

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI NIZOMIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**

**TARIX FAKULTETI "MILLIY G'OYA, MA'NAVIYAT ASOSLARI VA
HUQUQ TA'LIMI" YUNALISHI, 302-GURUH**

KURS ISHI

**MAVZU: ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ЎРНАТИШ
ТАРТИБИ**

BAJARDI: ИСЛОМОВА М.

TEKSHIRDI: DOTS.AVAZOVA SH.

TOSHKENT-2013

РЕЖА

- 1. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ҲУДУД ТУШУНЧАСИ ВА ДАВЛАТ ҲУДУДИ**
- 2. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА «ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИ» ТУШУНЧАСИ**
- 3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ ВА УНИ ЎРНАТИШ ТАРТИБИ**
- 4. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ЧЕГАРАЛАРНИНГ БУЗИЛМАСЛИГИ ПРИНЦИПИ**

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Халқаро ҳуқуқ - давлатлар, халқлар, халқаро ташкилотлар, турли хил жамоат бирлашмалари, алоҳида фуқаролар, турли давлатларнинг юридик шахслари иштирок этадиган халқаро муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқ тизими. Халқаро ҳуқуқ — тарихий ижтимоий-ҳуқуқий амалиёт ривожланиши натижасидир. Инсонларнинг (гуруҳлар, табақаларнинг) ўз миллий манфаатларини англаш воситаси сифатида пайдо бўлиши, айниқса халқаро муносабатларнинг доимий ўзгариб туришига алоқадорлиги билан халқаро ҳуқуқ миллий давлатлар ва халқларнинг тараққиётига муҳим таъсир кўрсатган ва кўрсатиб келмокда. Кишилиқ тарихи давомида халқаро ҳуқуқ нафақат халқаро муносабатларнинг тараққиёти билан бирга ривожланиб келган, балки уларга маълум даражада таъсир ҳам кўрсатган. халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши бевосита давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Давлатлар тараққиётининг обектив шарт-шароити улар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш заруратини келтириб схиқаради. Бунинг натижаси ўлароқ ҳуқуқнинг мустақил тизими сифатида халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидир.

Халқаро ҳуқуқ давлатлар, халқлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги турли хил муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Халқаро-ҳуқуқий меъёрларда миллий давлатларнинг ўзаро муносабатларидаги мураккаб жараёнлар ўз аксини топади. Уларнинг асосида шаклланаётган, халқларнинг субъектив хоҳиш-иродасига эмас, балки ижтимоий тараққиётнинг обектив омилларига мос келадиган ҳуқуқий онг халқаро ҳуқуқда ўз ифодасини топади. Шундай экан, бугунги кунда халқаро ҳуқуқий билимларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Давлат чегараси тушунчаси ва уни ўрнатиш тартиби масалалари халқаро ҳуқуқ фанида муҳим аҳамият касб этиб, унинг асосий жиҳатларини ўрганмай туриб, халқаро ҳуқуқ

бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас, ушбу мавзунини ўрганиш ва тадқиқот олиб бориш долзарб аҳамиятга эга.

Курс ишининг мақсади ва вазифалари: Давлат чегарасини тушунчасини ва уни ўрнатиш тартиби масалаларини ёритиб бериш курс ишининг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Халқаро ҳуқуқда ҳудуд тушунчаси ва давлат ҳудуди масалаларини ўрганиш;
- Халқаро ҳуқуқда «Давлат чегаралари» тушунчасини ёритиб бериш;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва уни ўрнатиш тартибини асослаб бериш;
- Халқаро ҳуқуқда чегараларнинг бузилмаслиги принципининг моҳиятини очиқ бериш.

1. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ҲУДУД ТУШУНЧАСИ ВА ДАВЛАТ ҲУДУДИ

Ҳар қандай давлат муайян чекланган ҳудудда жойлашади ва ўз ҳудудини кўриқлаш учун чегаралар ўрнатади. Шу ҳудудда унинг фуқаролари истиқомат қилади. Давлат ўз ҳудуди доирасида ички ва ташқи функцияларни амалга оширади. Бу ҳудуднинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш унинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг яхлит ҳудуди муайян тарзда, албатта, маълум қисмларга, бўлинмаларга бўлинган бўлади. Давлат ҳудудини бундай бўлиш уни бошқаришни осонлаштириш, самарали бошқариш мақсадларини кўзлайди.

Давлатнинг ҳудуди қандай тарзда ташкил этилганлигини, яъни марказ билан ҳудудий бирликнинг ўзаро муносабати қандай, қанақа маъмурий ҳудудий бўлинмаларга бўлинган каби масалалар "давлатнинг тузилиш шакли" деган атама билан анча вақтдан бери ифодаланиб келган. Бироқ тузилиш деган ибора жуда сермаъно бўлганлиги туфайли, кейинги пайтларда конституциявий юридик адабиётда "ҳудудий-сиёсий тузилиш", сиёсий ҳудудий тузилиш каби атамаларни қўллаш кенг тарқалмоқда.

Давлатнинг ҳудудий тузилиши — давлат тузилиши тушунчасининг таркибий қисми бўлиб, давлат ўз вазифа ва функцияларини бажариши учун, муайян чекланган ҳудудини маълум бир ҳудудий (маъмурий-ҳудудий) бирликларга бўлинишини, уларнинг маҳаллий органлари билан марказий органлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг хусусиятлари тушунилади. Ушбу ҳудудий бирликларда, давлат аппарати маҳаллий органларининг структураси тузилади. Шунинг учун давлатнинг ҳудудий тузилишини маъмурий-ҳудудий тузилиш деб аташ мақсадга мувофиқ.

Маъмурий — ҳудудий бирлик — давлат маъмурий –ҳудудий тузилиши тизимининг мустақил таркибий қисми бўлиб, бир неча поғонада ташкил этилиши мумкин.

Тегишли маъмурий ҳудудни алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида эътироф этиш учун фақат давлат ҳокимияти маҳаллий органларни ташкил этиш билан чегараланмасдан, балки маҳаллий ҳудуднинг иқтисодий-маданий ривожланганлиги даражаси, аҳолининг ҳудудий уюшиши билан ҳам боғлиқдир.

Ҳудуд ҳар қандай давлатнинг моддий асоси бўлиб хизмат қилади, унинг мавжудлигининг муҳим шарти ҳисобланади. Барча табиий захиралар давлат ҳудудининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Модомики, ҳудуд тўлиқ дахлсиз экан, демак унинг қисмлари, яъни табиий захиралари ҳам дахлсиздир. Уларни хорижий шахслар ёки давлатлар ҳудудий суверен ижозатисиз ишлатиши давлат ҳудудий дахлсизлигининг бузилиши сифатида эътироф этилади. Шу боис, давлатлар унинг яхлитлигини таъминлашга жиддий эътибор беради. Анча илгари, Миллатлар Лигаси статутдаёқ ҳар қандай ташқи хуружларга қарши ўлароқ, аъзо давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш ва сақлаб қолиш мажбурияти қайд этилганди. Ушбу принцип 1945 йилда БМТ Устави қабул қилиниши билан ўз тасдиғини топди¹.

Баъзан давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принципи давлатга тегишили ҳудудлар яхлитлиги принципи ёхуд давлатга тегишли ҳудудлар дахлсизлиги принципи, деб ҳам юритилади, аммо бу ўринда асосий мазмун-моҳият битта - хорижий давлат учун ҳудудини тажовузкорлик билан босиб олиш, қўшиб олиш ёки бўлиб ташлашни ман этишдир.

Ҳудудий устуворлик давлат суверенитетининг энг муҳим хусусиятидир. *У давлатнинг ўз ҳудудидаги олий, тўлиқ ва ягона ҳукмронлигини* англатади. Россия Конституциясида Россия Федерацияси суверенитети «унинг барча ҳудудига тааллуқли» экани қайд этилган (4-

¹ Қаранг: Бирлашган миллатлар ташкилоти Низоми // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.: Адолат, 2002, 18-бет.

модданинг 1-қисми). Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 3-моддасининг 2-қисмида шундай дейилган: «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир²».

Ҳудудий устуворлик олий ҳокимият (*imperium*) ва суверен эгаликдан (*dominium*) иборатдир. *Олий ҳокимият* деганда, давлат ҳудудида бошқа бирон-бир давлат ҳокимиятининг амалга оширилмаслиги тушунилади. «Россия Федерацияси Конституцияси ва федерал қонунлар Россия Федерациясининг барча ҳудудларида устувордир» (РФ Конституцияси, 4-модданинг 2-қисми). Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасининг 1-қисмида «Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади».

Агар давлат ўз ҳудуди доирасида ягона ҳокимиятни амалга оширар экан, демак у ана шу ҳудудда содир бўладиган барча воқеа-ҳодисалар учун тегишли равишда *жавобгарликни* ҳам зиммасига олади. Давлат ҳудуди доирасида амалга ошириладиган фаолият *бошқа давлатларга зиён етказмаслиги керак*. Бунда, авваламбор, атроф муҳитга етказиладиган зарар кўзда тутилмоқда.

Суверен эгалик деганда, давлат ҳудуди ва захираларини тасарруф қилиш, шу жумладан унинг муайян қисмини хорижий давлатга бериш ҳуқуқи тушунилади. Ер бўйича мулк ҳуқуқини қўлга киритиш, ҳаттоки хорижий давлат бундай мулк ҳуқуқини қўлга киритган тақдирда ҳам, унинг давлат ҳудуди таркибидан чиқишига олиб келмайди.

Халқаро шартномага мувофиқ, давлатнинг айрим ҳуқуқлари унинг ҳудудларидан ташқарида ҳам таъсир кучига эга бўлиши мумкин. Масалан, БМТнинг 1982 йилдаги Денгиз ҳуқуқи бўйича конвенцияси қоидаларига

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.:Ўзбекистон, 2012, 3-модда.

кўра, давлатлар ўзларининг ягона иқтисодий ҳудудлари ва континентал шельф тўғрисидаги миллий қонунларини қабул қилади.

Давлат ҳудуди давлатнинг моддий асосини ташкил этади. Ҳудудни ҳимоя қилиш - давлатнинг асосий вазифаларидан бири. Конституцияга мувофиқ, «Россия Федерацияси ўз ҳудудининг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлайди» (4-модданинг 3-қисми).

Халқаро ҳуқуқ ҳам давлат ҳудудини кўриқлашга алоҳида аҳамият беради. Унинг куч ишлатмаслик, ҳудудий яхлитлик, чегаралар дахлсизлиги каби асосий принципларининг мазмун-моҳияти деярли шу масалага бағишланган. Давлат бошқа ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлигига қарши куч билан таҳдид қилишдан ёки уни ишлатишдан ўзини тийиб туришга мажбур. Давлат ҳудуди бошқа давлатнинг унга қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатиш эвазига эгалик қилинадиган объект бўлиши мумкин эмас.

Ҳудуд, шунингдек давлат суверенитети амал қиладиган кенг макон, давлатнинг ҳудудий юрисдикцияси макони сифатида тушунилади. Давлат ҳудуди таркибига қуйидагилар киради:

биринчидан, қуруқлик ҳудуди (қуруқликнинг юза қисми), шу жумладан ороллар;

иккинчидан, сув ҳудуди (акватория): ички сувлар ва ҳудудий денгиз;

учинчидан, қуруқлик ва сув ҳудудлари остидаги ер ости бойликлари; бунда ер қаъри чуқурлиги чегараланмаган ва назарий жиҳатдан Ер қуррасининг марказигача тааллуқли ҳисобланади;

тўртинчидан, ҳаво ҳудуди бўлиб, у санаб ўтилган маконлар доирасида токи фазогача бўлган устки ҳудуддан иборат; ҳаво ҳудудининг баландлик чегараси ўрнатилмаган, айрим фикрларга қараганда, у 100-110 километрни ташкил этади.

Конституцияга мувофиқ, Россия Федерацияси ҳудуди «унинг субъектлари ҳудудлари, ички сувлар ва ҳудудий денгизлар, улар устидаги ҳудудий макондан иборатдир» (67-модданинг 1-қисми).

Давлат муайян ҳуқуқларни бошқа давлатга берган ҳолда, бир томонлама асосда ёхуд халқаро шартнома бўйича ўзининг ҳудудий юрисдикциясини чеклаши мумкин. Бундай ҳоллар бевосита ва транзит ҳаво йўллари ҳамда чет эл қуrolли кучларининг бошқа давлат ҳудудида бўлиб туриши бўйича битимларда кўпроқ кўзга ташланади.

Ҳудудларнинг мансублиги ва чегаралар ўтиши билан боғлиқ *халқаро низолар* фақат тинч йўл билан, куч ишлатмасдан ва халқаро ҳуқуқ асосида ҳал этилмоғи зарур.

Музокаралар йўли билан ёки халқаро органларда бундай низоларни ҳал этиш борасида орттирилган катта тажриба одатда давлатлар ўзининг ҳудудга эгалик қилишини асослаш учун илгари сурадиган бир неча далил-исботларни аниқлаш имконини беради.

1. *Истило этиш (оккупация) ва эгаллаб олиш муддатининг узоқлиги самаралидир.* Буларнинг замирида давлат суверенитетини самарали жорий этишдан иборат ягона принцип мужассам, яъни давлат тегишли барча ҳудуд бўйлаб ва ўзининг халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган даражада ҳудудий устунликни амалга оширади. Давлат бошқарув фаолиятининг жорий этилиши тегишли ҳудуднинг ҳар бир нуқтасида намоён бўлиши учун аҳоли яшамайдиган ва бориш қийин бўлган жойларда юрисдикцияни амалда қўллаш умуман талаб этилмаслиги ҳам мумкин ва бу шарт ҳам эмас.

Самарали давлат бошқарувининг расмий мезонларига қуйидгалар киради:

биринчидан, мазкур давлат ҳуқуқ-тартибот идоралари қўллаб-қувватлаб турадиган муайян тартибнинг ўрнатилганлиги;

иккинчидан, бошқа давлат ҳукмронлигига йўл қўйилмаслиги ёки суверен давлат хабардорлиги ва розилиги асосида бошқа давлат юрисдикцияси учун имкон бериладиган айрим ҳолатлар.

2. Ҳозирги замон низоларида *эгалит қилиш муддатининг узоқлигидан* фойдаланиш шубҳалидир, зеро ўтмишда ҳудудлар одатда замонавий халқаро ҳуқуқ рад этган усуллар - уруш, босқинчилик, мустамлакачилик курашлари эвазига қўлга киритилган. *Муддат узоқлиги* далили фақат қуйидаги шартлар мавжуд бўлган ҳоллардагина тан олинishi мумкин:

биринчидан, ўтмишда ҳудудни эгаллаш давлатларнинг тегишли шартномада ўз ифодасини топган розилиги ёки сукут сақлаш кўринишида тан олиши асосида амалга оширилган;

иккинчидан, эгалит қилиш узлуксиз ва дахлсиз бўлган, масалан, бошқа давлатлар эътироз билдирмаган.

Ана шу шартлар мавжуд бўлган ҳолларда *муддат узоқлиги* - олис ўтмишга бориб тақаладимиз ёки бир неча ўн йилдан иборат бўладимиз - ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

3. Эгалит қилишнинг бошқа давлатлар томонидан *сукут сақлаш кўринишида тан олинishi* нафақат тўғридан-тўғри ҳудудий устунликни амалга оширишга, балки бошқа алоҳида ҳуқуқларга, масалан, балиқ овлаш ёки денгиздан турли хил табиат инъомларини йиғиб олишга ҳам дахлдордир. Давлат фаолияти айрим турларининг сукут сақлаш кўринишида тан олинishi охир-оқибат фаолиятнинг худди шу тури бўйича зарур қўламда юрисдикция жорий этишни кўзда тутувчи муайян режимни яратишга қодирдир.

4. Халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши плебисцит (референдум) жараёнида аниқланиши мумкин. Халқаро-ҳуқуқий амалиётда муайян ҳудудий тузилмаларнинг у ёки бу давлатга қўшилиши юзасидан халқнинг хоҳиш-иродасини аниқлаш мақсадида бир неча марта плебисцит ҳуқуқидан фойдаланилган.

2. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА «ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИ» ТУШУНЧАСИ

Давлат чегараси деганда, унинг юзаси бўйлаб ўтказилган ва давлат ҳудуди сарҳадларини, яъни ҳудудий юрисдикция маконини белгилаб берган, юридик жиҳатдан асосланган шартли чизик тушунилади.

Чегарани доимо давлатнинг ўзи ўрнатади, аммо фақат шартнома шаклидаги халқаро битим ёки бошқа давлатларнинг сукут сақлаш кўринишидаги тан олиши билан тасдиқланган чегара чизиғигина қонуний деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси чегараларни шартномавий негизда мустаҳкамлаш заруратига асосланади. Бунда Ўзбекистон ички ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, чет эл давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик, давлатларнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ва давлат чегараларининг дахлсизлигини ўзаро ҳурмат қилиш, чегара муаммоларини тинч йўл билан ҳал этиш принципларига амал қилмоқда. Ўзбекистоннинг чегара тўғрисидаги қонунчилиги халқаро шартномаларга асосланади.

Ўзбекистон бешта давлат билан чегадарош бўлиб, мамлакатимиз чегарасининг узунлиги қарийб 7 минг километрни ташкил этади. Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги муносабатлар «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади³. Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси мамлакат ҳудуди доирасини белгиловчи чизикдан ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборатлиги кўрсатилган. Бу тушунча халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келиб, Ўзбекистон ҳудудининг барча табиий кўринишларига- қуруқликда, сувда, ер остида ва ҳаво бўшлиғидаги макон чегараларини белгилайди.

³«Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1999, № 9, 217-м.

Чегара чизиқлари шартномада ёки давлатнинг қонун ҳужжатида батафсил баён этилади ва харитада чизилади. Бу босқич *делимитация* деб аталади. Кейин чегара жойнинг ўзида белгиланади, чегарага оид белгилар ўрнатилади, тегишли ҳужжатлар тайёрланади. Бу чегаралар *демаркацияси* босқичидир. Давлатлар амалиётида, шунингдек, *редемаркация* босқичи ҳам маълумки, у илгари ўрнатилган чегараларнинг тикланиши ёки янгиланишини англатади. Баъзан редемаркация чегараларни халқаро ҳуқуқнинг умумий нормаларига мувофиқлаштирган ҳолда, ҳудудларни ўзаро алмашиш, уларни бошқа томонга топшириш билан ҳам боғлиқ бўлади.

Масалан, 2003 йил 24 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар билан давлат чегараси чизиғини белгилаш тартиби тўғрисида»ги 530-сон қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга асосан, «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг қўшни мамлакатлар билан давлат чегараси чизиғини белгилаш ишлари ташкил этилади⁴.

Халқаро ҳуқуқда чегараларни делимитация қилишнинг бир қанча усуллари қайд этилган. Хусусан, *қуруқлик чегараларини* аҳамиятли нуқталар, рельеф чизиқлари ёки равшан кўриниб турадиган мўлжаллар бўйлаб ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунга мисол сифатида дарёлар, тоғлар ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин. Бундай чегаралар аниқ-равшан фарқланиб туради ва камроқ тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Улар *табиий* чегаралар деб аталади.

Шунингдек, астрономик чегаралар ҳам борки, улар жўғрофий тўрнинг меридиан ва параллел чизиқлари орқали ўтган бўлади. Масалан, Филиппин ва Мальдив оролларининг чегаралари худди шу тахлит ўрнатилган. Африкадаги мустамлака ҳудудлар сарҳадларини белгилашда ҳам бундай чегаралар кенг қўлланилган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 ноябрдаги 530-сон қарори.

Сув чегаралари дарёлар бўйлаб қуйидаги тартибда: кема қатнайдиган дарёларда - бош фарватер ўртаси бўйлаб ёки тальвега бўйлаб (дарёнинг энг чуқур жойи орқали); кема қатнамайдиган дарёларда ёки оддий ирмоқларда - уларнинг ўртаси бўйлаб; бир неча шохобчали дарёларда - бош шохобча ўртаси бўйлаб ўрнатилади. Кўллар ва бошқа сув ҳавзаларида давлат чегараси қуруқликдаги чегараларнинг сувга чиқиш нуқталарини тўғри чизик орқали бир-бирига боғлаш билан ўрнатилади. Дарё, кўл ёки бошқа сув ҳавзалари бўйлаб ўтадиган чегара қирғоқ кийёфасида ёхуд сув сатҳида ўзгаришлар юз берган ҳамда дарё оқими ўзгарган ҳолларда кўчирилмайди.

Сув омбори ёки бошқа сунъий сув ҳавзаси барпо этилганидан кейин сув босган жойлар бўйлаб илгари ўтган чегара худди ўша жойларда сақланиб қолади. У қуруқликдан сув чегарасига ўзгаради, холос. Кўприклар ва тўғонлар бўйлаб чегара, сув чегараси чизигидан қатъи назар, мазкур иншоотларнинг ўртасидан ўтади.

Денгиз чегаралари ҳудудий денгизнинг ташқи чегараларига мос тушади. Россиянинг денгиз чегаралари 12 денгиз миляси (қарийб 24 километр) масофасида Россиянинг бутун денгиз қирғоқлари бўйлаб ўтади.

Россия денгиз чегаралари қўшни (Болтиқбўйидаги ва Қора денгиз бўйидаги) давлатлар билан тузилган шартномалар натижаси ҳисобланади ёки ҳозирги кундаги (Каспий, Азов денгизлари бўйича) музокараларнинг мавзуини ташкил этади.

Давлатларнинг ҳудудий юрисдикциясидаги денгиз майдонлари, айниқса ягона иқтисодий ҳудуд ёки континентал шельф каби кенг майдонлар бўйлаб ёнлама чегара чизиги ўтказишда муайян қийинчиликлар юзага келиши табиий. Халқаро ҳуқуқда кодификацияланган одат нормаларига мувофиқ, бундай чегаралашлар чоғида адолат принципи катта аҳамият касб этади. Бундай чегаралашнинг техник усулига кўра, агар давлатларнинг қирғоқ бўйи ҳудудлари бир-бирига қарама-қарши ётган бўлса-оралиқ чизик

ва агар давлатларнинг қирғоқ бўйи ҳудудлари бир-бирига тақалган, чегарадош бўлса - тенг турувчи чизиклар ўтказилади.

Миллий қонунчилик ва халқаро шартномалар ёрдамида чегарада чегара режими (тартиби) ўрнатилади. Унинг мақсади - давлат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек қонуний алоқаларга кўмаклашувчи ва давлат манфаатларига зид кириш ва чиқишларга тўсиқ бўлувчи ўзига хос фильтр сифатида хизмат қилишдан иборат. Тегишли ҳужжатлар асосида ва махсус ўтиш жойларидангина чегарани кесиб ўтишга рухсат этилади. Фақат авария, табиий офатлар ва бошқа шу каби ғавқулдда ҳолатлардагина ноқонуний равишда чегарани транспорт воситаларида, шу жумладан ҳаво ва денгиз кемаларида кесиб ўтиш учун йўл қўйилади. Чегара режими «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги қонунда белгиланган.

Чегараларга тааллуқли халқаро ҳуқуқда *барқарорлик* тенденцияси намоёндыр:

биринчидан, чегаралар тўғрисидаги шартномага нисбатан шартнома тузилган шарт-шароитнинг тубдан ўзгаргани тўғрисидаги изоҳни шартномани тўхтатиш учун асос сифатида қўллаб бўлмайди (Халқаро шартномалар бўйича Вена конвенцияси 62-моддасининг 2-банди). Демак, шарт-шароит ўзгарганини сабаб қилиб, чегараларни бир томонлама тартибда ўзгартириш мумкин эмас;

иккинчидан, халқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик бўйича амал қилиш принципи одат тусига кирган. Унга кўра, ворис давлат унга аввалги давлатдан ўзига ўтган ҳудуд чегараларини тан олиши зарур. Бу принцип илк бор XX асрда Лотин Америкасида амалиётга киритилган эди.

XX асрда ушбу принципни Африканинг мустанлакачилик зулмидан озод бўлган бир қанча давлатлари ўртасидаги чегара низоларини ҳал этишда БМТ Халқаро суди кенг қўллаган. СССРнинг собиқ иттифокдош республикалари ўртасида мавжуд бўлган маъмурий бўлиниш чизикларини давлат чегаралари сифатида тан олган собиқ иттифокдош республикалар -

мустақил давлатлар тажрибасида ҳам худди ана шу принцип қўлланилганини кузатиш мумкин.

3.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ ВА УНИ ЎРНАТИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси ва уни ўрнатиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисидаги Қонунда батафсил ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган. Ушбу қонун 1999 йил 20 августда қабул қилинган бўлиб, 46 моддадан иборат⁵. Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонунда халқаро ҳуқуқнинг устунлиги принципи мустаҳкамланган. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома нормалари қўлланилади.

Қонунда «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси» тушунчаси белгиланган: Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси (бундан буён матнда «давлат чегараси» деб юритилади) - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизикдан ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал чизикдан иборат. Бунда ташқари, қонунда давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш пайтида Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизликни таъминлаш заруратидан келиб чиқади ҳамда қуйидаги принципларга амал қилади:

⁵«Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси.—1999—№ 9.—217-м.

- 1) давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, давлат чегаралари дахлсизлиги ва бузилмаслигини ўзаро ҳурмат қилиш;
- 2) чегара масалаларини тинч йўл билан ҳал этиш;
- 3) чет эл давлатлари билан ҳар томонлама, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш;
- 4) қўшни давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- 5) куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан, давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартиришни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси амалга оширади. Давлат чегараси делимитация ва демаркация (редимаркация) қилинади.

Давлат чегараси қуйидагича белгиланади:

биринчидан, қуруқликда - ўзига хос нуқталар рельефнинг чизиқлари ёки аниқ кўриниб турадиган жойлар бўйича;

иккинчидан, кема қатнайдиغان дарёларда - дарёнинг асосий фарватер ёки тальвеги ўртаси бўйлаб; кема қатнамайдиган дарёларда, жилғаларда - уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ўзанининг ўртаси бўйлаб; кўллар ёки бошқа сув ҳавзаларида - давлат чегараси кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри ёки бошқача чизиқ бўйича. Дарё, жилға ёки бошқа сув ҳавзаси орқали ўтадиган давлат чегараси улар қирғоқларининг кўриниши ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё, жилға оқими у ёки бу томонга бурилганда ҳам ўзгармай қолаверади;

учинчидан, сув омборларида ва бошқа сунъий сув ҳавзаларида - улар сув билан тўлдирилгунга қадар давлат чегарасининг мазкур жойи ўтган чизиғига мувофиқ равишда;

тўртинчидан, дарёлар, жилғалар, кўллар ва бошқа сув ҳавзалари орқали ўтувчи кўприкларда, тўғонлар ва бошқа иншоотларда - давлат чегараси сувдан ўтиш-ўтмаслигидан қатъи назар, шу иншоотларнинг ўртаси ёки уларнинг технология ўқи бўйлаб.

Давлат чегараси жойларда аниқ кўриниб турадиган чегара белгилари билан кўрсатиб қўйилади. Чегара белгиларининг шакллари, ўлчамлари ва уларни ўрнатиш тартиби қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланади. Қўшни давлатлар ўртасида давлат чегараси чизиғини кўрсатиб қўйиш учун жойларда чегаранинг бутун узунлиги бўйлаб, шунингдек чегара бўйи дарёлари ва сув ҳавзалари бўйлаб чегаранинг тозалаш минтақалари белгиланади.

Давлат чегарасининг шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтилиши халқаро автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё қатнови йўлларида ёки қонун ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгилаб қўйиладиган бошқа жойларда амалга оширилади⁶.

Чегара низолари ва можароларини ҳал этиш қонун ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасида муайян ваколатларга эга:

1) давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашни ташқи сиёсий халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади;

2) давлат чегарасини ва унинг режимини белгилаш бўйича музокаралар олиб боради, зарур ҳужжатлар ва материалларни тайёрлайди;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиши ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради;

4) давлат чегараси режимига риоя этиш масалаларини, чегара низоларини белгилаган тартибда ҳал этади;

⁶ Одиқориев Х.Т., Очиллов Б.Е. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Т.: Адолат, 2002, 60-бет

5) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

4. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ЧЕГАРАЛАРНИНГ БУЗИЛМАСЛИГИ ПРИНЦИПИ

Халқаро ҳуқуқда амалда бўлган принциплар универсал ва минтақавий (уларни эътироф этадиган субъектлар доирасидан келиб чиқиб), умумий ва соҳавий (улар амал қиладиган соҳалар бўйича) принципларга бўлинади. Юридик нормалар ва институтлар билан биргаликда принциплар халқаро ҳуқуқнинг мураккаб кўринишидаги яхлит тизимини ташкил этади.

Халқаро ҳуқуқ доирасида принципларнинг хилма-хил турлари фарқланади. Улар орасида ғоя - принциплар муҳим ўрин тутди. Тинчлик ва ҳамкорлик, гуманизм, демократия ғоялари шулар жумласидандир. Улар БМТ Уставида, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пактларда ва шу каби бошқа бир қатор ҳужжатларда ўз аксини топган. Ғоя - принциплар ўз фаолиятининг асосий кўламини аниқ нормалар орқали, уларнинг мазмунида акс эттириш ва фаолиятини йўналтириш йўли билан рўёбга чиқади.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг соҳавий принциплари мавжуд. БМТ Халқаро суди денгиз ҳуқуқи принципларига бир неча бор ҳавола қилганки, ушбу ҳуқуқ соҳанинг бир қатор умумий нормаларини англатади. Аксарият халқаро соҳа олимларининг фикрича, соҳавий принципларнинг мавжудлиги халқаро ҳуқуқ соҳасига хос бўлган зарур белги демакдир. Принципларнинг шаклланиш ва фаолият кўрсатиш борасидаги ўзига хослиги кўпинча шу йўл билан белгиланадики, улар жаҳон тартиб-қоидалари ва халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим асосларини акс эттиради ҳамда мустаҳкамлайди. Улар зарурий ҳуқуқ (*jus necessitatis*) сифатида намоён бўлади.

Принциплар ичида халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари (*jus cogens*) ажралиб туради. Улар умумий мазмун касб этувчи универсал императив нормалар ҳисобланган халқаро ҳуқуқ тартиботининг пойдеворини ташкил

этади. Дипломатия амалиётида одатда улар халқаро муносабатлар принциплари деб юритилади. 1969 йилдаги Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенциясининг 58-моддасига мувофиқ *jus cogens* (умумий халқаро ҳуқуқнинг императив нормаси) нормаси деганда, давлатлар халқаро ҳамжамияти томонидан бутун ҳолда норма сифатида қабул қилинган ва тан олинган, ундан чекиниш мумкин бўлмаган умумий халқаро ҳуқуқ нормаси англанади; у фақат умумий халқаро ҳуқуқнинг худди шундай хусусиятга эга кейинги нормаси билан ўзгартирилиши мумкин. *Jus cogens* нормаларининг бошқа императив нормалардан фарқи шундаки, *jus cogens* нормаларидан ҳар қандай чекиниш давлатлар хатти-ҳаракатини аҳамиятсиз қилиб *jus cogens* нормаларига доим риоя қилиниши ва улар халқаро муносабатларнинг ҳар қандай соҳасида қўлланиши зарур. Умумий халқаро ҳуқуқ нормалари унинг асосий принциплари *jus cogens* нормалари ҳисобланади. Давлат томонидан бирон-бир асосий принципнинг бузилишини халқаро ҳамжамият бутун халқаро ҳуқуқ тартиботига тажовуз сифатида баҳолаши мумкин.

Принципларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири уларнинг ўзаро боғлиқлигидир. Принциплар мазмунидаги умумлашганлик даражасининг юксаклиги улардан ҳар бирининг талабларини бошқаларнинг мазмунини қиёслаб кўриш йўли билан қўллаш мумкинлигини кўзда тутди. Дейлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини қўллаш учун ҳудудий яхлитлик принципини ҳисобга олиш лозим бўлади. Принципларнинг ўзаро боғлиқлиги, 1970 йилдаги БМТ Уставига мувофиқ, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликка доир Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияда таъкидланган эди.

Халқаро ҳуқуқ назариясида мунтазам равишда принципларнинг иерархиясини аниқлаш йўлида ҳаракатлар бўлган ва бундай ҳаракатлар ҳали ҳам давом этмоқда. Шак-шубҳасиз, халқаро ҳуқуқнинг барча принциплари бошида *jus cogens* нормалари туради. Асосий принципларнинг ички

иерархияси (табақаланиши) муайян мунтазамлик касб этмайди: айрим олимлар ялпи тинчлик ва хавфсизлик муҳофазасини мустаҳкамловчи принципларни биринчи ўринга қўйса, бошқалари - гуманизм ва инсонпарварлик принципларини, учинчи гуруҳ олимлари эса-давлатга хос бўлган яхлитлик ва бузилмаслик принципларини устун деб ҳисоблайди. Бир сўз билан айтганда, бу борада ягона ёндашув мавжуд эмас.

БМТ Уставининг принциплар тўғрисидаги моддасининг илк бандида: «ташкилот барча аъзоларининг суверен тенглиги принципи асосида тузилган», деб қайд этилган⁷. Бу принцип нафақат БМТ, балки бутун халқаро муносабатлар бошқаруви тизимлари негизида ётади. Халқаро ҳуқуқнинг алоҳида ўзига хос жиҳатлари, авваламбор, унинг субъектлари суверен тенг давлатлар экани билан белгиланади.

Суверен тенглик принципининг асосий мазмуни қуйидагича: давлатлар бир-бирларининг суверен тенглиги ва ўзига хослигини, шунингдек суверенитетга мансуб барча ҳуқуқларни ҳурмат қилишлари шарт. Барча давлатларнинг тенг равишда асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд. Ҳар бир давлат халқаро ташкилотлар ва шартномаларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Давлатнинг суверен ҳокимияти бошқа давлатларнинг айнан шундай ҳокимияти билан чекланган бўлади, негаки улар тенг суверендир. Бир давлатнинг «мутлақ суверенитети» бошқаларининг суверенитетига мувофик келмайди. Суверенитет халқаро ҳуқуқ доирасида амалга оширилади, акс ҳолда у ўзбошимчаликни билдирган бўлур эди. Суверенитет таъсир доирасини аниқ белгилаш халқаро ҳуқуқнинг асосий вазифаларидан биридир.

⁷ Қаранг: Бирлашган миллатлар ташкилоти Низоми // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.: Адолат, 2002, 18-бет.

Давлатларнинг ҳуқуқий мақоми тенглиги халқаро ҳуқуқнинг барча нормалари уларга нисбатан бир хил қўлланилишини, тенг кучга эга эканини билдиради.

1970 йилдаги БМТ Уставига мувофиқ, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликка доир халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияга кўра, «суверен тенглик» тушунчаси аниқ мазмунга эга бўлиб, қуйидаги унсурларни қамраб олади:

- барча давлатлар юридик жиҳатдан тенг;
- ҳар бир давлат тўла суверенитетга хос бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади;
- ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг ҳуқуқ субъектига мансублигини ҳурмат қилишга мажбур;
- давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллиги дахлсиз;
- ҳар бир давлат ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тузумларини эркин танлаш ҳамда ривожлантириш ҳуқуқига эга;
- ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини тўлиқ ва сидқидилдан бажариш ҳамда бошқа давлатлар билан тинч-тотув яшашга мажбур.

1975 йилдаги Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши Яқунловчи ҳужжатида таъкидланишича, давлатларнинг суверен тенглиги принципи доирасида давлатлар бир-бирининг ўз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин танлаш ҳамда ривожлантириш ҳуқуқини, шунингдек ўз қонунлари ва маъмурий қоидаларини белгилаш ҳуқуқини ҳам ҳурмат қиладилар; улар халқаро ҳуқуққа мувофиқ бир-бирининг бошқа давлатлар билан муносабатларини белгилаш ва амалга ошириш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар. Ушбу принципга хос унсурлар қаторига халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ёки бўлмаслик, икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар иштирокчиси бўлиш ёки бўлмаслик, шунингдек бетараф қолиш (нейтралитет) ҳуқуқлари киради.

Чегараларнинг бузилмаслиги принципи 1975 йилдаги ЕХХК Якунловчи актида мустақил принцип сифатида мустаҳкамланган. Ушбу принцип Европадаги барча давлатлар чегаралари бузилмаслигининг тан олиниши мажбуриятини кўзда тутди. Гап шундаки, Иккинчи жаҳон урушида ғолиб чиққан давлатлар урушдан кейин ўрнатилган чегараларни доим ҳам тан олавермасдилар ва бу ҳол халқаро муносабатларни мураккаблаштирди. XX асрнинг 70-йиллари бошида халқаро муносабатлардаги кескинлик бироз сусайиши муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши якунларини юридик расмийлаштириш амалга оширилди: амалдаги чегараларнинг тан олинишини мустаҳкамловчи бир нечта икки томонлама битимлар тузилди⁸.

Аъзо давлатлар нафақат куч билан таъминланган, балки бошқа давлатлар ҳудудларини тўлиқ ёки қисман босиб олишга қаратилган ҳар қандай талаб ёхуд хатти-ҳаракатлардан тийилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Шу билан бирга, халқаро ҳуқуққа мувофиқ, тинч йўл билан ва битим асосида чегараларни ўзгартириш имконияти ҳам назарда тутилди.

Европа давлатлари хавфсизлигининг энг муҳим негизларидан бири давлатлар чегараларининг бузилмаслиги принциpidир.

Ушбу принципнинг асосий мазмуни қуйидаги учта унсур мисолида намоён бўлади:

биринчидан, мавжуд чегарани халқаро ҳуқуққа мувофиқ юридик жиҳатдан ўрнатилган деб тан олиш;

иккинчидан, айти пайтда ва келгусида ҳам ҳудудга доир қандайдир даъволардан воз кечиш;

учинчидан, ушбу чегараларга ҳар қандай йўл билан, шу жумладан куч ишлатиш ёки уни ишлатиш таҳдиди билан тажовуз қилишдан воз кечиш.

⁸ Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ назарияси асослари. Дарслик. - Т. "Шарқ", 2004, 106-бет

Давлатлар чегараларининг бузилмаслиги принциплари 1975 йилдаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши Яқунловчи ҳужжатида бир қадар тўлиқ шаклда баён этилган: «Иштирок этувчи давлатлар ҳар бирининг чегараларини, шу жумладан Европадаги барча давлатларнинг чегараларини бузилмас деб биладилар ва шу боис, улар эндиликда ҳамда келажакда бу чегараларга нисбатан ҳар қандай тажовузлардан ўзларини тийиб турадилар»⁹.

БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликка доир халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияда (1970 йил) ушбу принцип мазмуни куч ишлатмаслик принципи билан қоришиқ ҳолда келади: «Ҳар бир давлат бошқа давлатнинг мавжуд халқаро чегараларини бузиш мақсадида ёки халқаро низоларни, шу жумладан ҳудудга доир ҳамда давлатлар чегараларига тааллуқли низоларни ҳал этиш воситаси сифатида куч ишлатишдан ёхуд куч ишлатиш таҳдидидан тийилиб туришга мажбур».

⁹ Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари / Маъсул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т., 2002.–12-б.

ХУЛОСА

Мазкур курс ишини ёзиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

- Худуд ҳар қандай давлатнинг моддий асоси бўлиб хизмат қилади, унинг мавжудлигининг муҳим шарти ҳисобланади.
- Агар давлат ўз худуди доирасида ягона ҳокимиятни амалга оширар экан, демак у ана шу худудда содир бўладиган барча воқеа-ҳодисалар учун тегишли равишда жавобгарликни ҳам зиммасига олади. Давлат худуди доирасида амалга ошириладиган фаолият бошқа давлатларга зиён етказмаслиги керак.
- Давлат худуди давлатнинг моддий асосини ташкил этади. Худудни ҳимоя қилиш - давлатнинг асосий вазифаларидан бири.
- Давлат бошқа ҳар қандай давлатнинг худудий дахлсизлигига қарши куч билан таҳдид қилишдан ёки уни ишлатишдан ўзини тийиб туришга мажбур. Давлат худуди бошқа давлатнинг унга қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатиш эвазига эгалик қилинадиган объект бўлиши мумкин эмас.
- Давлат чегараси деганда, унинг юзаси бўйлаб ўтказилган ва давлат худуди сарҳадларини, яъни худудий юрисдикция маконини белгилаб берган, юридик жиҳатдан асосланган шартли чизиқ тушунилади.
- Ўзбекистон Республикаси чегараларни шартномавий негизда мустаҳкамлаш заруратига асосланади. Бунда Ўзбекистон ички ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, чет эл давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик, давлатларнинг суверенитети ва худудий яхлитлигини ва давлат чегараларининг дахлсизлигини ўзаро ҳурмат қилиш, чегара муаммоларини тинч йўл билан ҳал этиш принципларига амал қилмоқда. Ўзбекистоннинг чегара тўғрисидаги қонунчилиги халқаро шартномаларга асосланади.

- Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси ва уни ўрнатиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисидаги Қонунида батафсил ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган.
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан, давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартиришни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси амалга оширади. Давлат чегараси делимитация ва демаркация (редимаркация) қилинади.
- Чегараларнинг бузилмаслиги принципи 1975 йилдаги ЕХҲҚ Яқунловчи актида мустақил принцип сифатида мустаҳкамланган. Ушбу принцип Европадаги барча давлатлар чегаралари бузилмаслигининг тан олиниши мажбуриятини кўзда тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси . – Т.: Ўзбекистон, 2012
2. Каримов.И.А.Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқи // Халқаро конференция материаллари, Т.: Ўзбекистон - 2012.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1., Т.: Ўзбекистон, 1994
5. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари / Маъсул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т., 2002
6. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1995 йилда 22 декабрда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1995. -№12.
7. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси.–1999–.№ 9.
8. Бирлашган миллатлар ташкилоти Низоми // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.: Адолат, 2002
9. Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ назарияси асослари. Дарслик. - Т. “Шарқ”, 2004
10. Одилқориев Х.Т.,Очилов Б.Е. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Т.: Адолат, 2002.

Электрон таълим ресурслари:

1. www.pedagog.uz
2. www.Ziyonet.uz

3. <http://www.Norma.uz>
4. <http://www.Lex.uz>
5. <http://www.Law library.ru>